*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
9 январь
ЧОРШАНБА
№ 2
(12.534)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

www.th.uz

Қиш бекорчилик фасли эмас

## ЭКИШ АГРЕГАТЛАРИ ТАЙЁРЛИК ЧИЗИҒИДА

**Фермернинг бирламчи суянчиғи – техника. Ишнинг кўзини биладиган фермер бор техникасини мавсум эшик қоққанда эмас, олдиндан, яъни "қиш – бекорчилик"да таъмирлаб, созлаб қўяди. Балки "Қиш бекорчилик эмас" деган нақл шундандир.**

Хуллас, бу йил чинозлик фермерлар мавжуд техника воситалари, айниқса, кўкламги экиш мавсумида ишлатиладиган агрегатларни у ёки бу фермерлар уюшмаси ҳудудидаги муқобил машина-трактор парки (ММТП)да жамлаб, марказлашган ҳолда таъмирлаш усулини қўлладилар. Натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди.

Хусусан, Т. Охунова номидаги ММТПда бу усул яхши иш берди. 64 та фермер хўжалиги техникалари шу ерга жамланди. Иш вақти эрталаб 8 дан кеч 16 гача қилиб белгиланди.

– Марказлашган усул қўл келиб, тўпланган ҳамма техника қисқа муддатда таъмирлаб бўлинди, – деди ММТП раҳбари Иброҳим Абдуллаев. – Соз ҳолга келтирилган 40 та МТЗ-80 ва 12 та ТТЗ-80/10 чопиқ трактори, 600 та борона, 32 та чигит экиш агрегати бўялиб, тайёрлик чизиғига қўйилди.

– Чиноз пахта тозалаш заводи маъмуриятининг кўмаги ҳам ишимизни анча тезлаштирди ва енгиллаштирди, – деди ММТП механизатори Ҳусан Жўраев. – Завод таъмирловчиларни ҳар куни тушлик иссиқ овқат билан таъминлаб турди.

– Охунбобоев ва С. Раҳимов номидаги муқобил машина-трактор паркларида ҳам таъмирлаш ишлари шу усулда ташкил этилди, – деди туман марказий МТП раҳбари Салоҳиддин Рўзимуродов. – Шу боис ҳозиргача 175 та фермер хўжалигининг техника воситалари тўла таъмирланиб, созланиб, бўялиб, тайёрлик чизиғига қўйилди. Қолган техникаларни ҳам барвақт мавсумга тайёрлаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Дарвоқе, 25 декабрь куни туманнинг барча фермерлари учун Т. Охунова номидаги ММТПда техника кўриги ташкил этилди. Унда тайёрлик чизиғига қўйилган техника воситаларининг мавсумга шайлиги яна бир бор кўрикдан ўтказилиб, қандай ишлаши кўргазма сифатида синаб кўрилди. Кўрик якунлангач, 64 фермер таъмирдан чиққан ўз техникаларини хўжаликларига олиб кетишди.



**Даврон АҲМАД олган сурат.**

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ – ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ташкилий жиҳатдан мукаммал, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга миллий армияни барпо этиш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Бунинг самарасида миллий армиямиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлиги ва халқимиз осойишталигининг ишончли кафолатига айланди.**

Қуролли Кучларимизда туб ўзгариш, янгиланишлар жараёни босқичма-босқич олиб борилди. 1991 йилнинг 31 августида "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат республикамизда ҳарбий сиёсатни амалга ошириш имконини яратди. Мазкур қонун ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ги баёнот ўз Қуролли Кучларимизни тузишимиз учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларга 1991 йилнинг 6 сентябридаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Президент фармони билан пойдевор қўйилди. Кейинчалик Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

(Давоми 2-бетда).

## ПАРЛАМЕНТАРИЗМ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган "Парламентаризм билимдони" онлайн танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайтида биринчи маротаба ёшлар ўртасида Интернет тармоғида танлов ўтказилди. Тадбир Қонунчилик палатаси томонидан БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кўмагида ташкил этилди.

Танлов 2012 йил март ойида эълон қилиниб 1 декабрга қадар давом этди. Мазкур танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида конституциявий ғоялар, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, уларга мамлакатимиз парламенти фаолияти ҳақида тўлиқ ва реал ахборот олишга кўмаклашишдан иборатдир.

Ушбу танловда Ўзбекистоннинг барча ҳудудларидан 3000 дан зиёд 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёш йигит-қизлар иштирок этди.

"Парламентаризм билимдони" танлови 40 босқичдан иборат бўлиб, саволлар нафақат Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари, балки қонун ижодкорлиги, парламент фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қамраб олди.

Балларни ҳисоблаш жараёни тўлиқ автоматлаштирилганлиги сабабли саралаш босқичи ошкоралик тамойиллари асосида амалга оширилди.

Танловда 1 ўринни Р. Саидов, 2 ўринни Р. Кабулов, 3 ўринни К. Тютюниклар эгаллашди. Ғолибларга ноутбук, уяли алоқа телефони, шунингдек, 100 дан ортиқ балл тўплаган иштирокчиларга Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Халқ таълими вазирлигининг рағбатлантирувчи мукофотлари ҳамда дипломлар топширилди.

**Манзура БЕКЧОНОВА, "Туркистон-пресс".**

Эътироф

**Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА томонидан 2012 йил якунлари бўйича турли номинациялар ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон футбол федерацияси "Fair Play" (ҳалол ўйин) соврини билан тақдирланди.**

## ЎЗБЕКИСТОН – «FAIR PLAY» СОВРИНИ СОҲИБИ

Ушбу нуфузли мукофотнинг Ўзбекистонга топширилиши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

2012 йилги спорт мавсуми ўзбек футболи учун ғалабаларга бой бўлди. Мамлакатимиз ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Ампутантлар терма жамоамиз кетма-кет учинчи марта жаҳон чемпиони бўлди. 16 ёшгача бўлган қизларимиз илк маротаба Осиё чемпионатининг финал қисмига йўлланма олди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамлик қилмоқда.

Бундай натижаларни мардлик ва ҳалоллик билан қўлга киритиш улкан шарафдир. ФИФА томонидан 1987 йилда таъсис этилган "Fair Play" соврини ана шундай ўйин соҳибларига топширилади.

Бу йил ушбу совринга Ўзбекистон ва Гватемала футбол федерациялари ҳамда Туркиянинг "Эскишеҳирспор" жамоаси номзод қилиб кўрсатилган эди. Бунда асосий эътибор халқаро миқёсдаги беллашувларни ҳалол ўтказиш, рақиб ва ҳакамларга нисбатан ҳурмат, мухлислар маданияти, футболчиларнинг ўйинда ва майдон ташқарисида ўзини тутиши, қизил ва сариқ карточкалар сони каби жиҳатларга қаратилди.

2012 йилда халқаро учрашувларда қатнашган футболчиларимиз ҳалол ўйин, ўзбек футбол ишқибозлари эса юксак мухлислик маданияти намунасини кўрсатди. Бунинг натижасида мамлакатимиз терма жамоалари ва футбол клублари ҳалол ўйин тамойиллари бўйича энг кўп – 498,84 очко жамғарди. Нуфузли соврин Ўзбекистон футбол федерациясига топширилди.

Тадбирда испаниялик Висенте дель Боске йилнинг энг яхши мураббийи, "Барселона" ва Аргентина терма жамоаси ҳужумчиси Леонель Месси тўртинчи бор жаҳоннинг энг яхши футболчиси деб топилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.**

## ЯНГИ ҚУВУР ТОРТИЛДИ



Зангиота тумани, Қизғалдоқ қишлоғидаги Алишер Навоий номли маҳаллада кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча маҳалла оқсоқоли Султон Йўлдошев бошчилигида 56-мактабнинг 100 метр эскирган иситиш қувури янгилаб берилди. Ишнинг тез ва сифатли бажарилишида пайвандчиларнинг ҳиссаси катта бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

## МОБИЛЬ АЛОҚА ОПЕРАТОРЛАРИ УЧУН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

**Ўзбекистондаги мобиль алоқа операторлари 2013 йилда 74,79 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестицияларни ўзлаштиришни режалаштирган.**

2013 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ "Билайн" савдо белгиси ва Unitel МЧЖ GSM тармоқларини ривожлантиришга 48 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлайди.

Ucell савдо белгиси ва Coscom МЧЖ 2013 йилда GSM стандартидаги тармоқни техник ҳамда технологик жиҳатдан ривожлантиришга 20 миллион йўналтиради.

"Ўзбектелеком" АК эса Ўзбекистон ҳудудларида CDMA-450 мобиль тармоғини EVDO технологиясини жорий этган ҳолда ривожлантиришга 6,79 миллион АҚШ доллар миқдоридаги маблағни йўналтиришни режалаштирган.

Таъкидлаш жоизки, UzDaily маълумотларига кўра, Ўзбекистон ҳукумати 2013 йилда 3,017 миллиард АҚШ доллари миқдордаги хориж инвестицияларини ўзлаштиришни режалаштирмоқда.

**"Туркистон-пресс".**

## САВОБ ИШНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

**Юрт келажаги ва истиқболи ёшларнинг маънавий, жисмоний камолоти билан чамбарчас боғлиқ. Шундан бўлса керак, мамлакатимизда ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, уларни ҳар томонлама соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар, туман ва чекка қишлоқларда янги замонавий тиббиёт, спорт-соғломлаштириш муассасалари, оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилаётгани ҳам эртамиз эгаларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.**



Бундай эзгу ишларга тегишли ташкилотлар қаторида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Жамғарма соғлом фарзанд дунёга келишининг асосий омили бўлган хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, ёшларнинг тиббий маданиятини янада юксалтириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қисмига тиббий, ижтимоий, маънавий-маърифий кўмак бериш, шу билан бирга соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган режали ишларни амалга оширмоқда.

Янгийўл туман "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳам ўтган йил мобайнида айтгулик ишларни амалга оширди.

– Болаларда учраб турувчи айрим нуқсонларни жарроҳлик йўли билан бартараф этиш, ўғил-қизларни ижтимоий-тиббий қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш жамғарманинг доимий эътиборида, – дейди "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Зуҳра Ҳайдарова. – Жамғармамиз юрак нуқсони бор икки боланинг жарроҳлик операциясига кўмак берди.

Бундан ташқари, 500 дан ортиқ кам таъминланган оилалар бепул тиббий кўрикдан ўтказилди. 70 нафар якка-ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиш, оғриб қолганларини дори-дармон билан таъминлаш жамғарма эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Жамғарма нафақат соғлиқни сақлаш, балки аҳоли орасида тиббий маданиятни юксалтириш мақсадида маҳаллалар, таълим-тарбия масканларида малакали шифокорлар иштирокида давра суҳбатлари ўтказмоқда. Шунингдек, турли байрамларда хайрия тадбирлари уюштирмоқда.

– Ўтган йилда жами 6 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатдик, – дейди Зуҳра Ҳайдарова. – 3 болага ногиронлар аравачаси берилди, 17 бола Самарқандни томоша қилди.

**Ирода НОРБОЕВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Зуҳра Ҳайдарова (ўртада) ҳамиша одамлар орасида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Ислоҳот

## ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ РЕЙТИНГИ ЎТКАЗИЛАДИ

**2012 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг "Республикадаги олий таълим муассасаларини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарорини имзолади.**

Ушбу ҳужжат Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларининг илмий ва педагогик фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, улар томонидан ОЎЮ профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий салоҳиятидан фойдаланиш бўйича тегишли халқаро мезонлар ва стандартлар ҳамда кўрсаткичларга эришиш, реал иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш ҳамда таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида қабул қилинди.

Қарорга кўра, 2013 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ҳар йили ўтказиладиган ОЎЮни рейтинг баҳолаш тизими жорий этилади.

UzDaily. портали маълум қилишича, рейтинг ОЎЮнинг илмий-педагогик фаолияти даражаси ва сифатини характерловчи маълумотлар базасини мунтазам равишда танлаб олиш ва шакллантириш асосида тузилади.

Рейтинг ўқитиш сифати даражасининг индекси, талабалар ва битирувчилар малакасининг индекси, ОЎЮнинг илмий салоҳияти ва бошқа кўрсаткичлар асосида тузилади.

Қарорда қайд этилишича, Давлат тест маркази рейтинг натижаларини шу йил 1 мартга қадар оммавий ахборот воситаларида чоп этади.

**"Туркистон-пресс".**

# ВИЛОЯТ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

Аввал хабар қилинганидек, жорий йилнинг 18 март куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг 17-Бекобод ва 27-Ўзгариш сайлов округлари бўйича бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилади.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, шунингдек, вилоят сайлов комиссиясининг мазкур сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасидан келиб чиққан ҳолда тузилган тегишли округ сайлов комиссиялари ўз ваколат вазифаларини бажаришга киришди.

Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига мамлакатда фаолият юритаётган тўртта сиёсий партиянинг Тошкент вилояти кенгашларидан бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловда иштирок этиш ҳақида аризалар келиб тушди.

Вилоят сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг қонун талабларига мослиги ўрганиб чиқилди ва барча сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 21-, 44-моддаларига мувофиқ қарорда сайловда иштирок этувчи сиёсий партияларнинг рўйхати сайлов комиссиясига аризалар келиб тушиши навбатига қараб қуйидаги тартибда қайд этилди: Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси.

Вилоят сайлов комиссиясининг чора-тадбирлар режасига асосан эндиликда сиёсий партияларнинг Тошкент вилояти кенгашлари депутатликка номзодлар бўйича маълумотларни тақдим этиши лозим.

*Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

**"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-, 12-, 44-моддаларига мувофиқ вилоят сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**Халқ депутатлари Кенгашининг бўшаб қолган ўринлари депутатлигига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:**

**1-Ангрен округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

**Миржалилов Шокир Нурмухаммадович** – Ангрен шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи

**Комиссия раисининг ўринбосари**

**Султонова Шохида Юнусовна** – Ангрен шаҳар ХТМФМТ ва ТЭ бўлими мудир ўринбосари

**Комиссия котиби**

**Махкамов Илхом Иброхимович** – Ангрен шаҳар А. Навоий номли маданият маркази директори

**Комиссия аъзолари**

**Мусаева Шаходат Исаковна** – 4-мактаб директори

**Зайниддинов Жасурбек Салохиддинович** – Ангрен шаҳар Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими бошлиғи

**Борлибоева Сайёра Нурбаевна** – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Ангрен шаҳар бўлими Кенгаши қошидаги "Ёшлар ижтимоий хизматлар" маркази координатори

**Джураев Бегмат Ерматович** – Ангрен шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори

**Атабеков Мирзамиддин Марталиевич** – Ангрен шаҳар Халқ таълими бўлими Давлат таълим стандарти мониторинги маркази раҳбари

**Ядгаров Неймат Мамаджанович** – Ангрен шаҳар Баркамол авлод болалар мактаби раҳбари

**Округ сайлов комиссиясининг манзили: Ангрен шаҳри, А. Навоий кўчасида жойлашган А. Навоий номли маданият маркази биноси 1-қаватида.**

**Телефон рақами: 8370-662-48-78.**

**22-Ғазалкент округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

**Рахмонов Толлабой Каримович** – туман "Маҳалла" жамоат фонди раиси.

**Комиссия раисининг ўринбосари**

**Разов Мурад Пазилович** – Думалоқ ҚФЙ раиси

**Комиссия котиби**

**Гойипназарова Гавхар Унаровна** – туман марказий маданият саройи котиба иш юритувчиси

**Комиссия аъзолари**

**Исмаилов Рузмат Шорахимович** – Бўстонлиқ қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

**Юлдашева Холиса Саидовна** – 2-мактаб директори

**Бардинов Ботир Турсунбоевич** – 17-сон болалар мусиқа мактаби директори

**Сайдахметов Мамуржон Толибжонович** – Бўстонлиқ тумани давлат санитария эпидемиология маркази бош шифокори

**Райимов Алишер Абдумаликович** – "Бўстонлиқтумангаз" филиали бошлиғи

**Алиохунова Манзура Турсуновна** – "Бўстонлиқ овози" рўзномаси бош муҳаррири

**Округ сайлов комиссиясининг манзили: туман марказий маданият саройида жойлашган, Бўстонлиқ кўчаси, 8-уй.**

**Телефон рақами: 74-21-110.**

**46-Қизғалдоқ округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

**Каримова Умида Абдушавкатовна** – Зангиота тумани 56-умумий ўрта таълим мактаби раҳбари

**Комиссия раисининг ўринбосари**

**Тургунов Рахимжон Маруфович** – Зангиота тумани "Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш" Инспекцияси "Якка тартибдаги уй-жой қуришга (реконструкция қилиш) рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органларда келишиш" бўлими (шўъбаси) бош мутахассиси (шўъба мудири)

**Комиссия котиби**

**Хидоятов Бахтиёр Ильясович** – Зангиота тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий мослашув маркази раҳбари

**Комиссия аъзолари**

**Юлдашев Султон Тохтаевич** – Зангиота тумани Қизғалдоқ ҚФЙ А. Навоий маҳалла раиси

**Хаитов Фазлиддин Фатхуллаевич** – Зангиота тумани Кўксарой ҚФЙ масъул котиби

**Кадыров Бобирбек Алишерович** – "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Зангиота тумани Кенгаши раиси

**Абидхожаев Дониёр Тохтаходжаевич** – Зангиота тумани "Маҳалла" хайрия жамғармаси катта бухгалтери

**Жалилова Зухра Мирзарахимовна** – Зангиота тумани 56-мактаб ўқитувчиси

**Холматов Иброхим Исроилович** – статистика бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчиси

**Округ сайлов комиссиясининг манзили: Зангиота тумани Қизғалдоқ ҚФЙ, 56-умумий ўрта таълим мактаб биносида жойлашган.**

**Телефон рақами: (98) 125-36-09, 943-58-44.**

**53-Эски Тошкент округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

**Фатхулина Манзура Хайруллаевна** – Тошкент вилояти насос станция энергетика ва алоқа бошқармаси Чиноз туман бўлими муҳандиси

**Комиссия раисининг ўринбосари**

**Турсунқулов Лутфилла** – Чиноз тумани Эски Тошкент ҚФЙ 1-тоифали мутахассиси

**Комиссия котиби**

**Жўланов Давлатбек Тулкинович** – Чиноз тумани Эски Тошкент ҚФЙ маъсул котиби

**Комиссия аъзолари**

**Алиева Севда Виналиевна** – АТ "Халқ банки" Чиноз филиали кассири

**Джасирова Элмира Энверовна** – "Бўзсув" ирригация тизими бошқармаси Чиноз туман бўлими муҳандиси

**Аюпова Хабиба Хафизовна** – Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси милиорация бўлими муҳандиси

**Ботиров Толқин Кўлдошевич** – Чиноз тумани Эски Тошкент ҚФЙ раиси

**Холматова Бекпошша** – Чиноз тумани Эски Тошкент ҚФЙ "Бешкапа" маҳалла қўмитаси раиси

**Гуломов Нуриддин Пардабоевич** – Чиноз тумани Эски Тошкент ҚФЙ "Уймовут" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби

**Округ сайлов комиссиясининг манзили: Чиноз тумани 27-мактаб биноси.**

**Телефон рақами: (+99894) 933-23-87.**

**58-Ниёзбош округ сайлов комиссияси**

**Комиссия раиси**

**Камалова Мунаввар** – 14-умумий таълим мактаби директори

**Комиссия раисининг ўринбосари**

**Абдухакимов Абдунаби** – Ниёзбош ҚФЙ раиси

**Комиссия котиби**

**Бўтабоев Сидиғали** – 14-умумий таълим мактаби меҳнат фани ўқитувчиси

**Комиссия аъзолари**

**Хушвақтов Абдукаюм** – Янгийўл ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи директори

**Эралиев Бахтиёр** – Навбаҳор ҚФЙ раиси

**Хидиров Ўткир** – Ниёзбош ҚФЙ масъул котиби

**Нурматова Хуррият** – "Баркамол авлод" маркази раҳбари

**Эргашова Моҳидил** – туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими аниқ фанлар методисти

**Соибназаров Ёқубжон** – 23-умумий таълим мактаби директори

**Округ сайлов комиссиясининг манзили: Янгийўл тумани, Ниёзбош қишлоғи, "Маданият" маҳаласи, Улуғбек номли кўча 42-уй, 14-умумий таълим мактаби маъмурий биноси.**

**Телефон рақами: 8-370-603-89-08.**

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 2 январь.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

# ЭЛ-ЮРТ ТИНЧЛИГИ – ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Юртбошимиз раҳнамолигида 1992 йилнинг 14 январида республика Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий тузилмалар мустақил давлатимиз тасарруфига олиниб, 1993 йилнинг 23 декабрида эса Олий Кенгашнинг навбатдаги қарори билан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни сифатида белгиланди.

Миллий армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастурига мувофиқ, ҳарбий тузилмаларни ягона қудратли тизимга бирлаштирган Қуролли Кучларимиз қисмларининг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Мудофаа доктринаси ва армияни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда унинг эски ёндашув ва қолиплардан принципиал жиҳатдан ажралиб турадиган қурилиш тизими бўйича чуқур ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурни амалга ошириш асосида мамлакатимиз Қуролли Кучларини бошқаришнинг замонавий талабларга жавоб берадиган янги тизими яратилди.

Қўшинларнинг тузилиши ва жанговар таркиби, ташкилий-штат қурилиши тубдан ўзгартирилди. Бугунги замонавий шароитда бошқариш нуқтаи назаридан ноқулай, самарасиз бўлган қўшилмалар, кўп поғонали бошқарув тизимининг тугатилиши самарасида армиямиз қиёфаси тубдан ўзгарганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Қуролли Кучларимизнинг қудрати, жанговар салоҳияти, ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг ҳаракатчанлиги, тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий операцияларни олиб боришга тайёргарлиги, мамлакатимиз чегаралари дахлсизлигига рахна солишга, унинг ҳудудига суқилиб киришга уринадиган ҳар қандай тажовузкор босқинчига муносиб зарба бериш қобилияти ошди.

Бугунги кунда тўла ишонч билан айтиш мумкинки, миллий армиямиз жаҳон ҳарбий қурилишининг энг илғор тажрибаларини ўзида мужассам этган бўлиб, айни пайтда миллий жанговар анъаналаримизни юксак садоқат билан давом эттирмоқда.

Қуролли Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамиятимизда армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Собиқ тузум даврида йигитларимиз ҳарбий хизматни юртимиздан олисда бўлган ҳарбий қисм ва қурилиш батальонларида ўташга мажбур эди. Аскарлар ўртасидаги носоғлом муҳит, тенгсизлик ва инсон шахсини камситувчи турли иллатлар оқибатида ўша даврда ёшлар иложи борича ҳарбий хизматга бормасликка ҳаракат қилар-ди. Эндиликда Қуролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқаро-

(Давоми. Боши 1-бетда).

си учун наинки конституциявий бурч, айни чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди.

– Юртимиз тинчлиги, фуқароларимизнинг осойишта турмуш кечириши, сарҳадларимиз дахлсизлиги биз ҳарбийларнинг сергак ва огоҳлигимизга боғлиқ, – дейди Жанубий-Ғарбий округ капитани Илҳом Миравазов. – Сафимизда хизмат қилаётган, мард, жасур йигитлар Ватан олдидаги муқаддас бурчини бир дақиқа бўлса ҳам унутмасдан, шижоат билан хизматни ўтамоқдалар. Негаки, ҳар бир инсон туғилиб ўсган юртини, унинг ҳар қарич ерини ардоқлаши, ҳимоя қилиши шарт. Ота-боболаримизнинг ана шундай ўгити билан камол топган ёшларимиз Ватан олдидаги хизматларини юксак ифтихор, чексиз ғурур билан ўташга доимо тайёрдирлар.



Муддатли ҳарбий хизматга чақириш бир йилда бир марта ташкил этилаётгани, сержантлар таркибининг сифат жиҳатидан сезиларли даражада кучайгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизматининг жорий этилгани миллий армиямиз қиёфаси ва мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартиришга, жанговар тайёргарлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлашда ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ва ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойларига қайтариш ишларини самарали ташкил этишда йиғин ва чақирув пунктларини замон талаблари даражасида шакллантириш муҳим ўрин тутади. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "Чақирув ва йиғин пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган Дастур ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида кейинги уч йилда 14 йиғин ва 178 чақирув пунктлари реконструкция қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, йиғин ва чақирув пунктларининг республика бўйлаб кенг кўламда реконструкция ва модернизация қилиниши чақирувни сифатли амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Чақирув пунктларининг янги биноларида чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, ўқув семинарлар ташкил этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Барча биноларда маънавият хоналари мавжуд бўлиб, улар ижтимоий-сиёсий адабиётлар, соҳага оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланган.

– Президентимиз раҳнамолигида миллий армиямизда изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Ихтиёр Раҳимов. – Чақирув пунктларида барча шароитларни яратиш асосий вазифаларимиздан биридир. Қисқача айтганда, бугун чақирув пунктларининг инфратузилмаси тубдан яхшиланмоқда. Вилоятда 2010-2012 йиллар давомида йиғин ва чақирув пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш дастури асосида олтита объектда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Чақирувни юқори савияда ўтказиш мақсадида тиббий кўрик хоналарини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш, биноларни иссиқлик ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш каби барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Айни пайтда Ватан олдидаги бурчини ўтаётган йигитларнинг яшаш шароитини замон талаблари даражасига кўтариш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини мустаҳкамлаш масалаларига давлатимиз томонидан улкан эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими шакллантирилди. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Хусусан, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, уларга замонавий тиббий хизматлар кўрсатишга оид давлат дастурлари ишлаб чиқилди.

Ҳарбий хизматчиларни 2007-2015 йилларда уй-жой билан таъминлаш тўғрисидаги Давлат дастурига кўра, мамлакатимизнинг вилоят, шаҳар ва туманларида кўп қаватли уйлар қурилиши изчил олиб борилмоқда. Шарафли касб эгаларига узоқ муддатли ипотека кредитлари берилиб, алоҳида участкаларда уйлар қурилаётир.

– Ўтган Мустаҳкам оила йилида янги уйларга эга бўлганимиздан беҳад мамнунмиз, – дейди капитан Бахтиёр Туробов. – Биз буни мамлакатимиз Қуролли Кучлари сафида қилаётган содиқ хизматимиз эътирофи сифатида қабул қиламиз. Бундай ғамхўрлик бизни ҳарбий қурилиш соҳасидаги илғор жаҳон тажрибасини ўзида мужассам этган ва миллий анъаналаримизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган, Ватанимиз хавфсизлигининг ишончли кафолати бўлган миллий армиямиз сафида бундан буён ҳам янада сидқидилдан хизмат қилишга ундайди.

Шунингдек, ҳарбий унвонлар бўйича бериладиган ойлик маошлар, ҳарбий хизматдан бўшаганда тўланадиган ёрдам пули бир неча маротаба оширилди, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида уларни ишга жойлашишига ёрдам берилаётир.

Қуролли Кучларимиздаги ўзгаришлар жараёнида армиядаги маънавий-ахлоқий муҳит тубдан яхшиланиб, ҳарбийларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги юксалиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир.

Мамлакатимизда офицер ва сержант кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Олий ҳарбий таълим муассасалари, олий ҳарбий таълим муассасалари ҳузуридаги малака ошириш факультетлари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси ҳузуридаги офицерларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш олий курслари, ҳарбий округларнинг Сержантлар тайёрлаш мактаблари муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўқув масканлари ҳарбий хизматчиларга профессионал, назарий ва амалий билимларини такомиллаштириш, ҳарбий-жанговар фаолиятида тажриба ва малакаларини ошириш имкониятини бераётир.

– Сержантларнинг интеллектуал ва профессионал салоҳиятини ҳамда тайёргарлик савиясини ошириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент ҳарбий округи Сержантлар тайёрлаш мактаби бошлиғининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Абдувоҳид Бозоров. – Таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, олиб борилаётган илмий-услубий ишларни яхшилаш мақсадида таълим замонавий техник воситалар ва компьютер технологиялари асосида олиб борилмоқда. Ташкилотчилик кўникмаларига эга, билимдон, мустақил ҳаракат қиладиган ва ҳар қандай шароитда тўғри қарорлар қабул қилишга қодир юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга қаратилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган сержантлар тайёрлаш мактабларида соҳанинг барча бўғинлари учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик фазилатларига эга, интеллектуал салоҳияти юқори кичик командирлар тайёрланмоқда.

Истиқлол йиллари ҳарбий соҳада амалга оширилган улкан ислоҳотлар самараларига назар ташлар эканмиз, миллий армиямизнинг куч-қудрати ва салоҳиятига, эртанги кунимизга ишончимиз янада ортади, қалбимизда сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиз тинчлигини таъминлаётган мард ва жасур ҳарбийларимиз билан ғурурланиш туйғуси жўш уради.

**Абу Бакир ЎРОЗОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Истеъмолчи доимо ҳақ

# АҲОЛИ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯДА

**Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ушбу қўмита ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари зиммасига рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва зарур шарт-шароитлар яратиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида, биринчи навбатда ички истеъмол бозорида ва реклама соҳасида ноҳалол рақобатга чек қўйиш чораларини кўриш, фаолиятни жамоат тузилмалари билан мувофиқлаштирган ҳолда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш вазифаси юклатилган.**



Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси таҳририятга йўллаган маълумотларга қараганда, махсус режа асосида иш олиб борилиб, асосий эътибор соҳага оид қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот қилишга қаратилмоқда. Натижада истеъмолчиларнинг ҳудудий бошқарманинг амалий ёрдамига ишончлари ортиб, ёзма-оғзаки шикоят-аризалар, ишонч телефонлари орқали мурожаатлар кўпайиб бораяпти.

Жумладан, Юнусобод тумани, 7-даҳа, 4-уй, 12-хонадонда яшовчи В. Рудакова томидан чакка ўтиши жонига теккач, якка тартибдаги тадбиркор О. Шерматовни бир миллион сўмга ёллади. Тадбиркор мўмай пулни олиб, тезда ишни битириб кетди. Аммо томдан яна чакка ўтаверди. Оқибатда истеъмолчи ҳудудий бошқармага мурожаат қилди. Бошқарма ходимлари жойига чиқиб, тадбиркор О. Шерматов иштирокида аҳволни ўрганишди ва масалани қонуний ҳал қилишди. Яъни В. Рудакованинг том таъмири учун тўлаган пули қайтариб берилди.

Ҳамза тумани, У. Исроилова кўчаси, 1-уй, 22-хонадон соҳибаси Л. Личеванинг шикоят-аризасида баён этилишича, уй ва йўлак томидан чакка ўтаётгани ҳақида "Тоҳир коммунал" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбарларига бир неча бор мурожаат қилишларига қарамай, улар ҳеч қандай чора кўришмади. Фақат ҳудудий бошқарма ходимлари аралашиб, масалага ойдинлик киритишгач, ширкат томнинг чакка ўтаётган қисмларини таъмирлади.

Яна бир мисол. Мирзо Улуғбек тумани, Феруза мавзеси, 55-уй, 43-хонадонда истиқомат қилувчи Л. Грубова "Улуғбектумангаз" фойдаланиш хизмати газ учун асоссиз қарздорлик ҳисоблагани ҳақида мурожаат қилди. Бошқарма мутахассислари вазиятни ўрганишганида маълум бўлдики, хонадоннинг газ ўлчагичини давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш муддати ўтиб кетгани боис "Улуғбектумангаз" ходимлари уй эгасини огоҳлантирмай, хонадонни меъёрий тарифга ўтказиб қўйишган экан. Шу йўл билан асоссиз ҳисобланган қарздорлик қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳудудий бошқарма таҳририятга тақдим этган маълумотларда қайд этилишича, 2012 йилда истеъмолчилардан 511 та шикоят-ариза тушди. Бу олдинги йилдагидан 46,9 фоиз кўп. Шундан 427 та ариза истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Улардан асоссиз олинган 34 миллион 876,5 минг сўм пул қайта ҳисоб-китоб қилинди ва қайтариб берилди.

Шунингдек, ишонч телефонлари орқали мурожаатлар 2011 йилда 241 бўлса, ўтган йили 514 тага етди. Шундан 156 таси истеъмолчилар фойдасига ҳал этилди. Қолган мурожаатлар юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

Китоб жавонингизга

# ҲАЁТИЙ ЛАВҲАЛАР ХАЁЛИЙ ҲИКОЯЛАРДА...

## ёки «Мугат фолбин» нима дейди?

Чинозлик журналист, ёзувчи Абдужалол Раҳимовнинг ўзи каби камтарона ижоди ҳақида сўз очилганда даставвал чоп этилган китоблари тилга олиниши табиий. 2010 йилда "Ҳикоялар", 2011 йилда "Ломакон", 2012 йилда "Мугат фолбин" номли тўпламлари чоп этилди. Бир қарашда салкам қирқ йилдан буён қалам тебратиб келаётган ижодкор учун бу оздек туюлади. Лекин, яхши нарсалар камёблиги билан ҳам тансиқ!

Узоқ йиллик меҳнат меваси жо бўлган қисса ва ҳикояларининг мағзи тўқ, ўқишли дея таъриф берсак адашмаймиз. Журналист сифатида ҳар қандай мавзуни теран мушоҳада қилиши, зийрак нигоҳда илғаб, маҳорат билан ёрита оладиган ўткир қалам соҳибининг ҳар бир мақола, ҳикоя, қиссаси унинг нафақат адабиёт, балки табиий ва аниқ фанларни яхши билишини кўрсатади.

"...Мониторда ковул пояси, меваси, томири таркибидаги бирикмаларнинг узундан узоқ рўйхати кўринганди. Пакана одам ковулнинг ушбу сайёра аҳолисида учрайдиган нафас қисиши, ошқозон, жигар хасталикларига даволигини тушунди. Айниқса, ковулдан саратон касаллигининг олдини олиш ва даволашда, инсон умрини узайтиришда фойдаланиш мумкинлиги уни лол қолдирди... ("Одамлар" фантастик ҳикоясидан). Ёки экологик хавфсизлик масаласига бағишланган "Мўъжиза" номли фантастик ҳикоядаги қуйидаги парчани олайлик:

"Оппоқ кийимдаги фазогирлар ташқи олам тўғрисида ахборот йиға бошлашди. Дастлаб, ҳаводан намуна олишди. Нимагадир кимё корхонаси минораси устида узоқроқ туриб қолишди. Фазо кемасини сариқ қўнғир тусли тутун қоплаб олди. Кема бирдан ерга шўнғиди... ...Фазогирлар заҳарли тутун таъсирида бир-бир қулай бошлашди..."

Маълумки, ҳар қандай фантастика, яъни тўқима, хаёлий воқеа замирида ҳаётий ҳақиқат ётади. Абдужалол Раҳимовнинг "Сўнгги қурол" фантастик ҳикоясида ҳам "Ломакон" қиссасидаги она Табиатни, она Сайёрамизни, одамларни асраш мавзуси давом этади. Экологик мувозанатнинг бузилиши қандай аянчли аҳволга солиб қўйишини таъкидлайди: "Бу темиртанни Ердаги мухолиф мамлакатлар бирлашмаси яратган, – давом этди у. – "Дубль беш" ҳамма турдаги ядровий қирғин қуролларини ўзи ишлаб чиқаради. Бунинг учун микросинхрофазотрон мосламаси бор. Бу асосда зарраларни тезлатувчи улкан иншоот яратиши мумкин. Хом ашёни ҳам ўзи излаб топади... Шундай даврлар бўлганки, Ернинг буюк, иқтидорли олимлари урушлар учун ишлашган. Бунга сарфланган маблағнинг бекиёслиги ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Ўша вақтларда сиз тенгиларнинг уй-жойсиз қийналиб юрганлариям кўп бўлган..."

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, фантастик ҳикояларда ҳам муаллиф ҳақиқий ҳаёт муаммолари ҳақида сўзлайди, дунёдаги энг азиз маво – Ватанни асраш, ардоқлаш, қадриятларимизни улуғлаш туйғуларини тараннум этади. "Одамлар" ҳикояси қаҳрамонларидан бири Эргаш ўзга сайёраликнинг барча нарсага осонлик билан эришиш ҳақидаги таклифига қарши шундай дейди:

"– Бунақаси қизиғамас, ака, – деди Эргаш. – Ўзимиз терволамиз (пахтани), ўрганиб қолганмиз. – Яна бир оз тараддудланиб турди-да, қўшиб қўйди: – Икки ой бекор қоламизку? ...Терим тугаса, Зулхуморни аяси далага чиқармайди, – Эргаш ҳазилга ўтди..."

Ҳар бир ижодкорнинг ўз услуби, дунёқараши бўлганидек, Абдужалол Раҳимовнинг ўз йўналиши бор. Ёзувчи ўз асарларида турфа одамлар, яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ва айниқса, ҳар қандай жиноятнинг жазоси муқаррар эканини ўзига хос услубда тасвирлайди. Китобхон асарни ўқир экан, беихтиёр воқеалар ичига кириб қолгандек ҳис қилади ўзини. "Мугат фолбин" саргузашт қиссаси шу маънода киши диққатини ўзига тортади. Одатда пишиқ-пухта композиция, таъсирли, ҳаётий воқеа асосида ёзилган асар ҳеч қачон жавонда чанг босиб ётмайди. Бир бошлаганда, қўлдан қўймай, ўқиб чиқилади. Бу ҳам ёзувчининг маҳоратидан дарак.

"...Чол қўрққанидан дағ-дағ титрар, бу азоблар тушидами ё ўнгида эканини ҳали яхши ажратолмаганди. Жонини олгани келган ғаддор ким?! Ё унинг умри интиҳосига етган-у, бўғаётган Азроилми? ...Ниҳоят, кекса Сафар "пул, пул" деган сўроқлардан қийноқнинг моҳиятини англагандек бўлди. Уйнинг бурчагига ишора қилди..."

Табиийки, бундай қабоҳат бандалари жиноятига яраша жазо олишлари шарт. Мугат фолбиннинг бу йўлдаги интилишлари, жон фидолигию ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг тезкор, оқилона иш тутиши оқибатида қўлга тушган жиноятчи қотилларнинг жазога тортилиши ўқувчида руҳий қониқиш ҳосил қилади, ёмонликнинг доимо маҳв этилишига ишонч уйғотади.




Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳамиша уйғоқ қалб, бедор юрак эгаси бўлган журналист-ёзувчининг ижод маҳсуллари бисёр аслида. Уларнинг барчасига ҳаётга муҳаббат, ўз касбига, Ватанига садоқат туйғулари жон бағишлаган. Сизу бизга тақдим этилган китоблари эса шу ижод уммонидан терилган дуру жавоҳирлардир десак, хато бўлмас.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

Bolalik bog`i

# OPPOG`OY

Onamiz Ma'rifat buvimnikidan mushuk bola olib keldi. Rangi oppoq bo`lgani uchun unga "Oppog`oy" deb laqab qo`ydim. Bu ism uydagilarga ham yoqdi. U juda sho`x va to`polonchi edi. Dumaloq narsa topsa bo`ldi, uy ichida "futbol o`ynab", hammayoqni to`zitib yuborardi.



Bir kuni u onamizning tikuv mashinasidagi ipini to`zitib tashlabdi. Yana bir kuni opam Umrinisoning paypog`ini o`ynab, karovot ostiga yashiribdi. Eh-a, uni deb har kuni onamdan bir dunyo gap eshitardim.

O`shanda qish edi. Tashqarini qalin qor qoplagan. Dov-daraxtlar oppoq libos kiygan. Uy hayvonlaridan tortib qushlargacha hammasi sovuqdan o`zlarini panaga olgan. Ammo qarg`alargina "qag`-qag`"lashib qor titkilashardi. Yana hovlimizda bitta ola hakka paydo bo`ldi. U har kuni onamiz quritishga qo`ygan savatchadan qurut o`g`irlardi. Savatcha bo`sh vaqtlarda esa so`riga osilgan suzma xaltani cho`qib tashlardi.

– Kisht, kisht! Ha, o`g`ri tomoq bo`lmay ketgur! Sening dastingdan suzma xalta ham qirq yamoq bo`ldi, – derdi onam.

Onam uni kun davomida bir necha bor haydardi. Mug`ombir hakka esa uzun dumini likillatgancha, lip etib uchib ketar va ko`p o`tmay yana qaytib kelardi.

Unda Oppog`oy hali kichkina edi. Shundan uni ko`chaga chiqarmasdim, yashik taxtasidan mo`jazgina uycha yasab bergandim.

Bahor, yoz, kuz o`tib yana qish eshik qoqdi. Bu qish avvalgilardan ham qattiq sovuqni boshlab keldi. Qishlog`imizdagi eski maktab qattiq sovuq sabab bir necha kunga yopildi. Onam bizni ko`chaga chiqarmay qo`ydi. O`shanda "Rekord" degan televizorimiz bo`lardi. Kun bo`yi tanchada televizor ko`rib, zerikmasdik. Oppog`oy ham katta bo`lib qolgandi.

Kunlarning birida Oppog`oyning ko`chaga chiqqisi kelib qoldi. Eshikni qiya ochib, uni chiqarib yubordim. O`zim esa deraza oldida turib, kuzatdim. Oppog`oy ayvonda nimanidir poylayotgandek, biroz pisib yotdi. Ko`p o`tmay, hovlimizda o`sha ola hakka paydo bo`ldi. Shu topda u savatchadagi qurutdan o`g`irlash ilinjida edi. Oppog`oy uning harakatlarini kuzata boshladi. Mavridi keldi chog`i, ayvondan pastga tushdi. Oppoq qorda uni ajratib bo`lmasdi. Oradan ko`p o`tmay, qag`illagan ovoz eshitildi. Yugurib tashqariga chiqdim. Ne ko`z bilan ko`rayki, Oppog`oy o`g`ri hakkani mahkam tishlaganicha, tom boshiga chiqib ketdi.

Shu tariqa, onam o`g`ri hakkadan qutildi...

**Latifjon MANSUROV.**

Тақдимот

# «СЕНСИЗ» КАТТА ЭКРАНДА

**Яқинда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли киносаройида режиссёр Акбар Бектурдиевнинг "Сенсиз" фильми тақдимоти бўлиб ўтди. Мунаввара Абдуллаева, Дилноза Кубаева, Алишер Узоқов, Ёқуб Аҳмедов, Райҳон Уласенова сингари тажрибали ва иқтидорли актёрлар иштирок этган ушбу фильмда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, муҳаббат, садоқат туйғулари тараннум этилган.**



Бугунги кунда юртимиз кино саноати жадал ривожланиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда хусусий ва давлат киностудиялари яратаётган бир қатор фильмлар томошабинларга манзур бўлиш баробарида қатор халқаро кинотанловларда ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

Ўз навбатида соҳада ёш иқтидор эгаларини кашф этиш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга берилаётган катта эътибор ҳам ютуқлар омил бўлмоқда.

Ҳаётий воқелик асосида суратга олинган янги фильм томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

**Зилола АЛИЕВА.**

Рассом хандаси




cartoon.kulichki.com

Кўзгудаги ўзимиз



# ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН

Ўшанда ёш бола эдик. Этаги катта жарликка уланиб кетган боғимиз бўларди. Ёзда шу боғдаги уйга кўчиб келардик. Отам болаларимнинг оғзи тегсин деб шафтоли, ўрик, олма, гилос, анжир, қўйингчи, барча мевали дарахтлардан экиб қўйган эди. Жарлик этагидаги бўш ерларда таъми тилни ёрадиган қовун ва тарвузлар пишиб ётарди. Токзорда эса узумнинг ўндан зиёд нави бор эди. Хуллас, бутун ёз қовун-тарвуз, узум-анжирлар узилмасди.

– Анжир пишибди, дарров Ижозат бувининг уйига олиб бор, қизим, дуо қилиб есин, – дея онам тақсимчага солинган олтиндек сапсариқ анжирни қўлимга тутқазарди. Ёки бўлмаса, "Қовун пишибди, иси бутун боғимизни тутиб кетди, Мавжуда бувингни димоғига урилган бўлса, егиси келгандир" деб қизилуруғ қовунни пишганидан танлаб берарди. Мен эса онам берганларини ҳамсояларимизга улашадиган дастёр эдим.

Бир куни бозорга шафтоли сотишга отланаётган отамга онам илтимос қилди.

– Отаси, қайтишингизда бир-икки дона балиқ кўтариб келинг.

Отам онамга саволомуз боқди.

– Қўшнимиз Миржамолнинг хотини балиққа бошқоронғу бўлибди. Бечора келинчакни қайнонаси бўлса экан, балиқ пишириб берса. Кеча овқат узатганимда балиқ егиси келаётганини айтганди. Савоб бўлади.

Отам бозордан олиб келган, савобталаб онам пишириб берган балиқни Турсун келинойига ташлаб чиқсам, онам ўчоқбошиларни йиғиштираётган экан.

– Ойи, – дедим куймаланаётган волидамга. – Нимага сиз ҳамма қўшниларга уйимиздаги бор нарсалардан бераверасиз? Биз Аҳмад акаларга ўхшаб бой яшамаймиз-ку! Улар бойбадавлат бўлсалар ҳам ҳеч қачон бировга нарса бермайди. Қизи ҳам қизғанчиқ.

Шунда онам пахмоқ сочларимни меҳр билан силади-да, бағрига босганча: "Одамгарчилик юзасидан қиламан бу ишларни. Мен берган бир коса овқатга улар зормасдир, лекин кўнгил деган нарса бор. Катта бўлсанг, айтганларимни тушуниб оласан", дедилар. Онамдан эшитганларимни унчалик тушунмасамда, мурғак қалбимга жо қилдим. Савоб, одамийлик, инсоф, қўшни ҳақи, деганда ҳамиша онамнинг чиройли чеҳралари кўз олдимда намоён бўлаверади. Кимгадир нафим тегиб қолса, бировнинг мушкулини заррача осон қилолсам, онам тушларимга кираверади...

Орадан йиллар ўтиб, волидамнинг бу сўзларини яна такрор эслашимга бошқа бир сабаб бор эди. Яқинда оиламизга тегишли бўлган қадрдонимиз набиралик бўлди. Қутлаш учун уларнинг уйларига бордик. Танишимизнинг уйидан икки-уч хонадон берида ўтирган таъзиядорларни кўриб, атрофдагилардан кўнгил сўрадик. Оналари қазо қилганини эшитиб, дардини дилдан ҳис қилдик. Бел боғлаб турган тўрт-беш чоғли ҳассакашлар олдидан ўтишга ийманиб турсак, узундан-узоқ сигналларини чалиб қатор-қатор машиналар келиб тўхтади. Таъзия бўлаётган уйнинг ёнидаги қўшқанот дарвозадан ясан-тусан аёллар чиқишди. Оппоқ "Лимузин"дан дастлаб бир ўғил бола тушиб, саватчадаги гул япроқларини ерга соча бошлади. Келин-куёв эса ана шу гуллар устидан оҳиста қадам ташлади. Келинчакнинг узун фатасини икки қизалоқ ушлаб олган. Куёвжўраларнинг қийқириқлари, машинадаги радиодан таралаётган ўйноқи қўшиқлар атрофни тутиб кетди. Ҳайрат билан бир келин-куёвга, бир таъзиядорлар турган томонга қарадим, вужудимни титроқ босди. Шундоққина ён қўшниси азадор бўлса, онаизоридан айрилиб, ғамга ботиб турган вақтда бу ҳолат, кўнгилхушлик жуда хунук кўринар экан. Тўйхонадан чиқиб келаётган маҳалла оқсоқолини кўриб: "Сиз уларни йўлга солмабсиз-да" деган бўлдик.

– Эҳ, – ҳасратидан чанг чиқди оқсоқолнинг. – Уят бўлади, кўздек қўшнисизлар, қолаверса, одамгарчиликдан эмас, десам, тўй эгаси: "Қизимни тўйига йиғаётган мол-дунёимга бир сўм қўшганмидиларинг? Кейин одамгарчилик деган сўзлар ота-бувамизнинг замонида қолиб кетган" деди.

Оқсоқолнинг сўзларини эшитиб, ҳафсаламиз пир бўлди. Қадрдонимнинг уйига беҳол одимладик. Дарвозадан кираётсак, қўлида тугунча билан чиқиб келаётган оналарига рўбарў келдик. Бизларни кўрган онахон: "Сизлар яхшилаб жойлашиб туринглар, мен ҳозир таъзиядор қўшнимнинг қизларидан бир хабар олайин" деди. Ишонасизми, юрагим бир орзиқиб тушди. Ичимдан тошиб келаётган йиғи бўғзимга қадалди. Момонинг одамгарчилигини онамга ўхшатдим. Онамнинг "одамийликдан айро юрма, болам", деган сўзлари қулоқларим остида жаранглагандек бўлди.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

# ЯНГИ ИККИ КАНАЛ

**2012 йилнинг 31 декабрь куни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги – "Маданият ва маърифат" ҳамда "Дунё бўйлаб" телеканаллари ўз фаолиятини бошлади.**




Ушбу йирик лойиҳа Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 30 июль куни қабул қилинган "Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида"ги қарори асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида бўлиб ўтган брифингда мазкур янги каналларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. "Маданият ва маърифат" телеканали ижодкорларининг асосий мақсади Президентимиз раҳнамолигида миллий маданиятимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, аҳолининг маданий ва маърифий савиясини янада ошириш борасида олиб борилаётган улкан ишларни кенг тарғиб қилиш, ўсиб келаётган ёш авлодда илмий кашфиёт ҳамда билим олишга, маданий қадриятларга қизиқишни кучайтириш, илмий-оммабоп ва маданий-маърифий теледастурларни яратиш, рақамли ва мультимедиали технологиялар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг маданий ва илмий ҳаётига оид муҳим воқеалар тўғрисида аҳолини ҳар томонлама хабардор қилиб боришдан иборатдир.

"Дунё бўйлаб" телеканали эса халқаро ҳамжамият ва мамлакатимиз аҳолисига Ўзбекистоннинг ноёб туристик салоҳияти, экологик туризмнинг имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида кенг маълумот бериш, илмий-оммабоп ҳамда маърифий дастурларни тайёрлаш, уларни хорижий каналларда тарқатиш каби вазифаларни амалга оширади. Томошабинлар ушбу канал орқали, тарих, география ва дунё мамлакатлари ҳаёти, жаҳон халқларининг ўзига хос анъана ва маданияти, наботот ва ҳайвонот олами ҳақида ҳам хабардор бўлиб боради.

**ЎзА.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**"Respublika mulk markazi" ЁАЖ Toshkent mintaqaviy filiali бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар давлат унитар корхонаси "Деҳқонобод" ДУКнинг 29.12.2012 йилдаги 27 П-сонли буйруғи ва 29.12.2012 йилдаги 81/1-143-сонли хатига асосан, Ташқи иқтисодий алоқалар давлат унитар корхонаси "Деҳқонсавдо" ДУКга тегишли, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 371-уй манзилида сақланаётган, "Дэу Суперсалон" русумли, д/р 01 665 ВСА бўлган, 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 860 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 11 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 8 февраль куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2013 йил 11 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 20 февраль ва 2013 йил 6 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 20 февралдаги савдо учун 2013 йил 18 февраль куни, 2013 йил 6 мартдаги савдо учун 2013 йил 4 март куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika mulk markazi" ЁАЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, СТИР 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: (8-371) 233-28-52. Расмий сайтимиз: www.rmm.uz.

**Гувоҳнома: 006231.**

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ туман СИБ томонидан, ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 2012 йил 19 мартдаги ижро ҳужжатига асосан, Юқори Чирчиқ тумани, Сурангкент қ.ф.й. А. Яссавий маҳалласи, Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган, умумий майдони 0,0140 га., қурилиш ости майдони 140,22 кв.м бўлган, "Пайпоқ тўқиш кичик корхонаси" ва 20 дона пайпоқ тўқиш ускуналари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 156 250 000 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 28 январь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 25 январь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz.

Лицензия: RR-0001.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: **Тошкент вилояти ҳокимлиги**

**Бош муҳаррир**
**Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
**e-mail:** th.tp@mail.ru

**Телефонлар:**
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Бекзод ҲИДОЯТОВ**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6148. Адади 16680. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.45.